

ХАЛҚ ОВОЗИ

Бўка тумани ҳафталик ижтимоий-сиёсий газетаси

2025 йил
7 ноябрь
ЖУМА
44 (6621)
газета 1952
йилдан чиқа
бошлаган

gazeta_xalq_ovozi

ТУМАН КЕНГАШИ СЕССИЯСИ



Туман ҳокимлигининг мажлислар залида Халқ депутатлари туман Кенгашининг VII чақириқ навбатдан ташқари XIX сессияси бўлиб ўтди. Сессияда туман Кенгаши депутатлари, тегишли корхона ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этишди.

Кун тартибидан 2025-2026 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш, мавсумни беталофат ўтказиш ҳамда аҳоли ижтимоий соҳа муассасалари ва иқтисодиёт тармоқларини энергия ресурслари билан узлуксиз таъминлаш тўғрисида туман маҳаллий бюджетининг 2025 йил тўққиз ойлик ижроси тўғрисида



2025 йил учун туман маҳаллий бюджетининг харажатлар йўналишларига киритилган ўзгаришларни тасдиқлаш тўғрисида, туман маҳаллий бюджетининг 2025 йил III чорак якуни бўйича даромадлар режасининг ортиғи билан бажарилган қисми ҳисобидан маблағларни ҳисоблаш тўғрисидаги масалалар ўрин олди.

Сессияда кун тартибдаги масалалар юзасидан масъулларнинг ҳисоботлари тингланди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

(Ўз мухбиримиз).

МАВСУМ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ



Ёшларнинг ақл заковатини оширадиган иқтидорини рўёбга чиқарадиган лойиҳалар изчил қўллаб-қувватланаётгани, интеллектуал салоҳиятни оширишга қаратилган ҳар қандай ташаббус рағбатлантирилаётгани қувонарли ҳол. Мактабимизда ўтказилиши анъанага айланиб улгурган "Заковат" интеллектуал ўйини бу сафар кузги мавсум ғолибларини аниқлаб берди.

Тадбирни мактаб директори Ж.Ўринов очиб бериб, ўқувчиларни биринчи чорак якуни билан табриклаб, ўқишларида улкан мақсадлар сари интилишга, ўз устида тинимсиз ишлаб, изланишга чақирди. "Заковат" интеллектуал

ўйинининг бу турнирида иштироки учун 1-ўринга 400 минг сўм, 2-ўринга 300 минг сўм, 3-ўринга 200 минг сўм ажратилди. Қизиқарли ва баҳсларга бой бўлиб ўтган ўйин якунида 7-"А" синф жамоаси 3-ўринни, 8-"А" синф жамоаси 2-ўринни, 8-"Б" синф жамоаси эса 1-ўрин ва бош совринни қўлга киритди.

Тадбир якунида иштирокчилар мактаб маъмурияти томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Чарос РАЖАБОВА,
тумандаги ихтисослаштирилган
мактаб директорининг маънавий-
маърифий ишлар бўйича ўринбосари.

9 ноябрь - Тиббиёт ходимлари кuni ЭЛ УЧУН ФИДОКОРЛАР, СОҒ БЎЛИНГ ШИФОКОРЛАР

Ҳар йили мамлакатимизда анъанавий равишда нишонланадиган тиббиёт ходимлари кuni — инсон соғлиғини асраш, жамият саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган барча шифокорлар ва соҳа ходимларининг меҳнатини эътироф этиш, уларга чуқур ҳурмат ва миннатдорлик изҳор этиш байрамидир.

Бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, тиббиёт муассасаларининг замонавий жиҳозлар билан таъминланиши, юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва уларнинг меҳнатини қадрлаш борасида амалга оширилаётган ишлар соҳа нуфузини янада оширмоқда.

Тиббиёт ходимлари — инсон ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилишдек улғу ва шарафли бурчини зиммасига олган фидойи инсонлардир. Улар ҳар бир беморга эътибор, меҳр ва умид бағишлаб, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга катта ҳисса қўшмоқдалар.



Шу муносабат билан барча шифокорлар, ҳамширалар, тиббий техник ходимлар ҳамда соҳа фидойиларини тиббиёт ходимлари кuni билан чин қалбимиздан табриқлаймиз.

Сизларга соғлиқ-саломатлик, иш фаолиятингизда муваффақиятлар, оилавий фаровонлик ва янги ютуқлар тилаймиз. Ҳар бир кунингиз инсонларга шифо ва умид улашиш бахти билан ёрқин бўлсин.

Шахбоз МУСТАФОВ,
туман тиббиёт
бирлашмасининг
бошлиғи.

ИШЧИ ГУРУҲ ЎРГАНИШЛАРИ

Шу ҳафта бошида халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутати А.Абдуллажонов, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Д.Пўлатов, туман ИИБ вояга етмаганлар бўйича масъул, майор У.Эсонбоев, туман ҳокимининг ўринбосари О.Жўраевлар ҳамкорлигида тумандаги ижтимоий соҳа объектларида куз-қиш мавсуми борасидаги ишлар ахволи бўйича ўрганиш ўтказишди.

Ўрганиш олдидан туман ҳокими Б.Бегматов билан учрашиб, бу борадаги ишлар ҳақида фикрлашиб олинди. Туман ҳокими Б.Бегматов, М ва МТБ қарашли мактабларга куз-қиш мавсуми учун дастлаб 478 млн. сўм маблағ ажратилиб, 32 донга иситиш қозонлари олиб келиб ўрнатилганлиги, қўшимча асбоб-ускуна билан таъминланганлигини, барча муассасаларда 4330,740 тонна сифатли кўмир захиралари мавжудлигини ҳамда Кенгашнинг 29 октябрдаги сессиясида мактаб ва боғчалар учун 930 млн. сўм маблағ ажратилганлигини баён этди.

Шундан сўнг тумандаги 14-, 6-, 54-, 12-, 3-мактабларда куз-қиш мавсумига тайёргарлик ва кўмир захираси ҳамда сақлаш ҳолати ўрганилди. 14-мактабда янги қурилиб фойдаланишга топшириш арафасида турган ўқув биноси билан танишилди. Қурувчилар билан суҳбатлашиб, тавсиялар берилди.

Ўрганиш давомида бу йилги кўмир маҳсулоти ўтган ўқув йилига нисбатан талабга жавоб бериши маълум бўлди.

Мактабларни ўрганиш жараёнида М ва МТБ масъуллари ҳам иштирок этишди. Аниқланган баъзи камчиликларни зудлик билан бартараф этиш бўйича таклифлар берилди.

Ўрганиш давомида, "Қорақўйли" МФЙда истиқомат қилувчи ногиронлиги бор фуқаронинг мурожаати қаноатлантирилиб, депутат А.Абдуллажонов томонидан янги Ноутбук топширилди.

Ишчи гуруҳ ўз ўрганишларини давом эттириб, барча ташкилот ва муассасаларда бўлиб, куз-қиш ойларида тайёргарликни кўздан кечириш ишларини давом эттирмоқда.

Г.ИЛЁСОВА.

Агар хали ҳам ғазабланаётган бўлсанг,
демак ўзинг билан бўлган курашинг тамом бўлмабди.

Шамс ТАБРИЗИЙ.

БИР БОЛАГА ЕТТИ ҚЎШНИ ОТА-ОНА БЎЛСИН

Халқимиз кейинги йилларда муҳта-рам Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган «Янги Ўзбекистон — янгича дунёқараш» та-мойили асосида шахдам одимлаётган, яратувчанлик руҳи билан яшаётган бир пайтда «Маҳаллаларда ёшлар би-лан ишлаш тизими самарадорлигини оширишга доир чора-тадбирлари тўғ-рисида»ги фармонининг қабул қили-ниши айнани муддао бўлди. «Ўзбекис-тон — 2030» стратегияси ҳамда жорий йилнинг 30 июнь куни ўтказилган Ўз-бекистон Республикаси Президентининг ёшлар билан учрашуви доираси-да белгиланган устувор вазифаларга мувофиқ ёшлар билан ишлаш тизими, «Улкан мақсадлар, самарали меҳнат, оқилона турмуш» ғояси асосида амал-га ошириш назарда тутилган.

Мамлакатимизда келажакимиз эга-лари ҳисобланмиш ёшлар масаласи яна бир қарра давлат сиёсати дара-жасига кўтарилди. Зеро, юртимиз аҳо-лисининг салмоқли қисмини ёш авлод ташкил этади. Мазкур йўналишда бундай муҳим қарорлар чиқиши ҳам ҳаётий заруриятдир.

Доим ёшларнинг ахлоқли, одоб-ли, жисмонан ва руҳан пишиқ-пухта

улғайишлари учун жамики педагогик воситалардан, самарали услублар-дан унумли фойдаланиб келинади. Шунинг учун ота-боболаримиз ёш-ларнинг тарбиясига, комил инсон сифатида ўсишига катта аҳамият қа-

Сайёрамининг эртанги куни, фаровонлиги фар-зандларимиз қандай ин-сон бўлиб камолга ети-ши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз — ёшлар-нинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароит-лар яратишдан иборат. Шавкат МИРЗИЁЕВнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқидан.

ратишган. Бугунги глобаллашув жа-раёни шиддат билан кечаётган дав-да ёшларга нисбатан диққат-эътибор билан муносабатда бўлишнинг ўзи камлик қилади. Бу ҳаёт-мамонт масала-сини ижобий ҳал этишнинг энг мақбул

йўлларида бири, шубҳасиз, маҳалла билан ҳамкорлик қилишдир. Дониш-манд элимизда «Бир болага етти ма-ҳалла ота-она» каби пурмаъно ҳикмат бор. Ҳикматлар замирида ёш авлод тарбиясида оила ва маҳалланинг роли долзарб эканлиги таъкидланган. Доимо давлатнинг кичик ҳужайраси сифатида оиланинг мустақамлиги учун ҳаракат қилинган. Шу тўғайли маҳалла аҳлининг тинчлиги, фаро-вонлиги, унинг ҳудудидаги хонадон-ларнинг ижтимоий-иқтисодий, маъна-вий ҳолатига чамбарчас боғлиқ бўлиб келган.

Миллий қадриятларимиз ва анъ-аналаримиз моҳиятини тўғри ан-лаб етиб, уларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида олий ўқув юртлари билан маҳалланинг ўзаро алоқасини қатъ-ий йўлга қўйилиши кўзланган мақсад сари муҳим қадам бўлади. Президент-нинг юқоридаги қарори хайрли саъй-ҳаракатларнинг мантикий давоми ва Учинчи Ренессанс бунёдкорлари — ўғил-қизларимизга нисбатан дав-латимизнинг навбатдаги ғамхўрлиги дея айтиш мумкин. Аҳолининг йирик қисми ёшлардан иборат. Шунинг учун ёшлар етакчиси лавозимлари жорий

қилинган.

Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишда турли спорт мусобақалари, маънавий-маърифий тадбирлар, ада-бий кеча ва учрашувлар уюштирили-ши, албатта, ўз самарасини кўрсата-ди.

Ҳар биримиз ҳаётнинг қимматли, қадрли вақтини фарзандлар, оила аъзоларининг тарбиясига, илм олиш, келажак учун ажратиб мақсадга му-вофиқдир. Дунё, тирикчилик дардида кетказаётган ғайратнинг бор йўғи бир қисмини ҳаёт мазмуни бўлган яқин-лар учун ажратиб уларни ҳеч ким ҳеч қандай оқимларга, жиноятчилик-ка бошлай олмайди. Юртбошимиз-нинг «Ёшларнинг бўш вақти душман-нинг иш вақти», деган сўзлари айнани ҳақиқат эканлиги, бу каби салбий ҳо-латларнинг олдини олишда бор имко-ниятлардан тўлалигича фойдаланиб, билимли ва маърифатли ёшларни етиштиришимиз барчамизнинг ватан-парварлик бурчимиз бўлиб қолиши керак.

Даврон ТЕМИРОВ,
ЎзЛиДеП туман
“Фахрийлар кенгаши” раиси.

QISHLOQ XO‘JALIGINI RIVOJLANTIRISHDA KREATIV YONDASHUVLAR

XXI asrda insoniyat oldida ikki katta xavfsizligini ta'minlash, ikkinchisi tabiiy resurslar tanqisligi sharoitida ekologik barqarorlikka erishish. Bu muammolarni yechishda an'anaviy usullar yetarli bo'lmay qoldi. Shuning uchun qishloq xo'jaligida kreativ, ya'ni yangicha fikr va innovatsion yondashuvlar juda muhim ahamiyat kasb etmoqda.

Креативлик — bu standart usullardan voz kechib, yangi g'oya va texnologiyalar yordamida muammoga yechim topishdir. Agrar sohada kreativ yondashuvlar uch yo'nalishda namoyon bo'ladi:

texnologik — raqamlashtirish, dronlar, sensorlar va sun'iy intellektni qo'llash,
ijtimoiy — hamkorlik, bilim almashish, faol

O'zbekistonda ham agrar sohada yangi g'oya va loyihalarni joriy etishga keng imkoniyatlar mavjud. Prezidentimizning 2023 yil 7 iyuldagi "Agrar sohada ilm-fan, ta'lim va ishlab chiqarishni integratsiya qilish orqali sifat va samaradorlikni oshirishning qo'shimcha chora-tadbirlari to'g'risida"gi va Vazirlar Mahkamasining "Agrar ta'lim tizimining 2030 yilgacha innovatsion rivojlanish strategiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi qarorlarida sohada ilm-fan, ta'lim va ishlab chiqarish integratsiyasini ta'minlash, inson resurslarini rivojlantirish va uning salohiyatidan samarali foydalanish, kafolatli mehnat bozorini shakllantirish hamda qishloq xo'jaligi oliy ta'limini modernizatsiyalashning ustuvor yo'nalishlari belgilab berildi.

Bu islohotlarning yorqin namunasini Toshkent davlat agrar universiteti faoliyatida ko'rish mumkin. Universitetning 95 yillik yubileyi arafasida universitet hududidazamonaviyo'quv binolari, laboratoriyalar va talabalar turar joylari barpo etilmoqda. Yangilangan infratuzilma talabalar va olimlar uchun ilmiy muhit yaratishga xizmat qilmoqda.

Universitet rektori, iqtisod fanlari doktori, professor N. Oblomurov tomonidan "Yangi O'zbekiston" gazetasining 2025 yil, 13 sentyabr 182-sonida chop etilgan "Agrar soha rivoji yuqori malakali kadrlarga bog'liq" nomli maqolasida ta'kidlashicha, bugungi kunda yuzlab professor-o'qituvchilar hamda talabalar xalqaro amaliyot va malaka oshirish dasturlarida ishtirok etmoqda. Germaniya, Turkiya, Malayziya, Koreya va boshqa mamlakatlar bilan hamkorlik kengaymoqda.

Bir so'z bilan aytganda, qishloq xo'jaligida kreativ yondashuvlar - bu faqat texnika yoki innovatsiya emas. Bu, eng avvalo, yangi tafakkur, zamonaviy bilim va faollikni talab etadigan yangi tizimdir.

Muqaddas ABDURAIMOVA,
Toshkent Davlat Agrar universitetining Ijtimoiy-gumanitar fanlar kafedrasida dotsenti.



fuqarolik ishtirokini kuchaytirish, iqtisodiy — bozor talabiga mos mahsulot ishlab chiqarish va xizmatlar turini kengaytirish. Bugungi kunda "aqlii dehqonchilik" tizimini joriy etish vaqti keldi. Masalan, GPS va sensorlar yordamida dalaning har bir qismi uchun mos o'g'it va suv miqdorini aniqlash mumkin. Bu resurslarni 20–30 foizgacha tejaydi va hosil sifatini oshiradi.

Shuningdek, vertikal dehqonchilik va shahar ichidagi mini-fermalar tizimi ham jahonda keng qo'llanilmoqda. Bu usul suv sarfini bir necha barobar kamaytiradi, yil davomida hosil olish imkonini yaratadi.



УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

"Янгиҳаёт" маҳалласида жойлашган Агротехнологиялар техникумида "Уч авлод учрашуви" тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирда "Нуроний" жамғармаси туман бўлими ва Кенгаш аъзолари, маҳалла раиси, маҳалланинг "Кексалар маслаҳати" гуруҳи раиси ва аъзолари, устозлар, техникум ўқувчилари, маҳалла фуқаролари иштирок этдилар.



Тадбир давомида нуронийларимиз ёшларимизга ўзларини ибратли ҳаёт йўлларида сўзлаб беришди. Учрашув давомида, ёшлар ва кексалар ўртасидаги авлодлар давомийлиги, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва уларни кейинги авлодга етказиш бўйича илиқ фикрлар айтилди. Учрашув самимий му-лоқот ва унутилмас хотираларга бой бўлди.

А. АКМАЛОВ,
"Нуроний" жамғармаси туман бўлими раиси.



“МУСТАҚИЛЛИК ВА МАЪНАВИЯТ” МАҚОЛАСИНИ ЎҚИБ...

Мен тарих фанлари доктори, профессор А.Мавруловнинг “Янги Ўзбекистон” газетасида эълон қилинаётган турли мавзулардаги мақолаларини ҳар доим ўқиб бораман. Мақолалар жуда мазмунли, бироқ домланинг ҳамма фикрларига ҳам қўшилиб бўлмайди. Бу фикрим газетанинг жорий йил 13 август сонидида эълон қилинган “Мустақиллик ва маънавият” номли мақоласига тааллуқли.

Домла унда жумладан, қуйидагиларни ёзган: “миллий-маънавий, ахлоқий қадриятлар деформацияси, айнаиши, бузилиши, қадриятлар қадрсизланиши жараёни юзага келди. Миллий маънавиятимиз, қадриятларимиз топталди, ерга кўмилди, ёндирилди, йўқ қилинди”.

Агар ҳаммаси домла ёзганидай бўлса, мустамлака даврида қандай қилиб ўзбек халқи ўзлигини, яъни тилини, динини, бағрикенглигини, меҳмондўстлигини, бошга оғир кўргуликлар тушганида ҳамдард бўлиш, елкадош бўлиш каби хислатларини бир сўз билан айтганда маънавиятини сақлаб қола олди?

Тўғри, коммунистик мафкуранинг якка ҳукумронлиги даврида (74 йил давомида) миллий қадриятларимизга қаттиқ зарба берилди, бироқ миллий-лигимизни маънавиятимизни қадриятларимизни бутунлай йўқ қилиб юбора олмади.

Бунга истаганча мисол келтириш мумкин. Бинобарин, энг ҳужумкор мафкура - коммунистик мафкуранинг кучи миллатимизнинг ўзлиги олдида ожизлик қилди. Миллий ўзлгимизни сақлаб қола олганимиз учун ҳам миллий мустақилликка эриша олдик.

Биринчи Президентимиз И.Каримов ишлаб чиққан тараққиётнинг “Ўзбек модели”да 5 та устувор йўналиш ичида маънавият масаласи йўқ эди. Вақт ўтиши билан бунинг хато бўлганлиги англаб етилди. Кечроқ бўлсада, 2008 йилда И.Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” китоби чоп этилди. Маънавиятнинг жамият ҳаётидаги ўта муҳим аҳамиятини ҳисобга олиб бу масалага яна жиддий эътибор қарата бошланди.

2018 йил 14 августда “Ёшларни маънавий - ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3907-сонли қарор қабул қилинди. 2021 йилнинг 19 январдаги “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан тақомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари” бўйича Президентимиз видеоселектр йиғилишини ўтказдилар ва унда: “Жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса,

унинг жони ва руҳи маънавиятдир”, деган пурмаъно фикрни илгари сурдилар.

2023 йилнинг 22 декабрида эса Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг кенгайтирилган мажлисида юртбошимиз нутқ сўзладилар. Бу нутқ ОАВларда “Маънавият ҳаётимизда янги куч, янги ҳаракатга айланиши керак” номи билан эълон қилинди ва “Маънавий ривожланиш - бу, виждон, ор-номус ва адолатни муқаддас били, эл-юрт манфаати учун астойдил ҳаракат қилишдир”, деб таъкидладилар. Маънавият инсонда шакллантирилиши лозим бўлган барча ижобий хислатлар ва инсонга хос энг яхши фазилатлар йиғиндисидир. Бу фазилатлар – ўзликни англаш, одоб, бурч, масъулият, уят, ибодат, ҳалоллик, эзгулик, адолат, виждон, виждон азоби, ватанпарварлик, фидойилик, миллий ғурур, меҳр-мурувват, тўғрисиқлик, ор-номус, ёвузликка нафрат, ирода, матонат, дўстликка садоқат, вафодорлик каби хизматларни, сифатларини ўз ичига олади.

Бинобарин, маънавият фақат инсон боласида мавжуд ва у кишилар уюшмаси бўлган жамиятда амал қилади. Инсон маънавияти билан ажралиб туради. Инсониятга хос фазилатлар жамиятда тарихан шаклланади. Бора-бора улар қадрият даражасига кўтарилади. Бу қадриятларни ўзлаштириш натижасида инсоний фазилатлар қарор топтирилади. Биргина ўзликни англаш ҳис-туйғусини олайлик. Ўзликни англаш – бу, инсоннинг жамиятдаги ўз ўрнини билиши, ўз халқининг этногенезини, ўзи мансуб бўлган халқнинг тарихини яхши билиши, ўз миллати ва миллий қадриятлари билан фахрлана олиши демакдир. Шу тариқа маънавият – инсон билан жамият, инсон билан инсон ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб туради. Маънавият орқали инсон жамият билан ўйғуналади. Табиатнинг гултожисига айланади. Бир сўз билан айтганда маънавият миллатнинг ақлий ва руҳий даражасини, қобилиятини юзага чиқаради. Буни шундай тушуноқ керак-ки, бугун маънавият бутун жамиятимизни бирлаштирувчи, халқимизни улғу мақсад – мамлакатимизни илғор давлатлар қаторига кўтариш ва Учинчи Ренессанс пойдеворини бунёд этишга қаратилган улғувор саъй-ҳаракатларимизни мақсад сари йўналтирувчи кучга, жамият ва давлат тараққиётининг ҳал қилувчи омилига ва олдимизда турган улғувор бунёдкорлик ишларимизда асосий таянчимиз, суянчимизга айланиши лозим.

Масаланинг ўта долзарблиги нуқтаи назаридан келиб чиқиб, Президентимиз ўша йиғилишда мана бундай

деган эдилар: “Ўзимизга бир савол бериб кўрайлик: биз ҳозирги кескин шароитда ғоявий-мафкуравий соҳада рақобатга тайёرمизми? Ёш авлод тарбияси мураккаб замон талабларига жавоб бераётими? Мана, бугун маънавий-маърифий соҳада масала қандай ўткир ва кўндаланг бўлиб турибди. Булар оддий саволлар эмас. Одамни жиддий ўйлантирадиган, ташвишга соладиган саволлар. Агар биз бу ёруғ дунёда “Ўзбек”, “Ўзбекистон” деган номлар билан яшаб қолишни истайдиган бўлсак, бу саволларга бугун жавоб топишимиз ва уларни ҳал этиш бўйича амалий ҳаракатларни айнан бугун бошлашимиз шарт. Эртага кеч бўлади”.

Профессор А.Маврулов мақоласида тўғри таъкидланганидек, афсуски, бугунги кунда маънавият танқислиги юз бермоқда. Ҳатто яхши ният билан вилоятларда “Маънавият сектори” фаолияти йўлга қўйилди. Тажриба майдони сифатида Сўрхондарё вилояти танланди. Бироқ бу тадбир ҳам кутилган самарани бермади.

Нега қарийб 30 йилдан бери маънавият, маънавият деймиз-у, лекин натижа эса кутилгандай эмас? Бунинг асосий сабаби – биз то шу кунгача маънавият соҳасидаги фаолиятимиз нимага қараб бориши кераклиги ҳа-

Инсонни оташ эмас, ўз ғафлати ёқар. Барчадаги камчиликни кўрар-у, аммо ўзига кўрдек боқар. Нимага қандай боқсанг, у ҳам сенга шундай боқар. Жалолиддин Румий.

қида аниқ дастурга эга эмаслигимиз билан изоҳланади. Ҳозирча фақат гапиришдан, қайта-қайта мажлислар ўтказишдан нарига ўтилаётгани йўқ.

Мени эски даврни кўмсада айбла-салар ҳам бир ҳақиқат ҳақида айтиб ўтмоқчи эдим. Бир вақтлар Республикамаизда “Билим жамияти” фаолият кўрсатарди. Жамиятнинг лекторлар корпуси олий ўқув юртларининг энг етуқ олимларидан шакллантирилган бўлиб, улар вақти-вақти билан меҳнат жамоаларига боришиб давлатнинг ички ва ташқи сиёсати ҳақида, жамият ҳаётига оид долзарб муаммолар хусусида маърузалар ўқишарди. Учрашув жуда қизиқарли савол-жавобларга бой бўларди. Наҳотки, ана шу анъанани бугун тиклаш мумкин эмас? Ёки бир вақтлар ойда бир марта “Ягона сиёсий кун” тадбири ҳам ўтказиларди. Бу кунда вилоятлар ва туманлар фаоллари меҳнат жамоаларида омма билан учрашиб суҳбат ўтказар, унда кўтарилган муаммолар вилоят ва туман миқёсида умумлаштириллар, уларнинг бажарилишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тузиларди ва масъуллар томонидан чора-тадбирларнинг бажарилиши назорат қилинарди. Республика “Маънавият ва маърифат маркази” бу ҳақида йўлаб кўрса мақсадга мувофиқ бўларди. Айни дамда Тошкент вилоятида ҳафтанинг жума кунлари “Сиёсий маърифат соати” бўлаяпти. Бу қандай натижа бериши ҳақида яна тўхталамиз.

Маънавиятимизга таҳдид солаётган ички хатарлар бартараф этилмас экан, ҳеч қандай амалий натижага эришиб бўлмайди. Хўш, бу хатар, бу

таҳдид кимдан ёки нимадан чиқмоқда? Бу хатар, бу таҳдид, афсуски, биринчи навбатда Ўзбекистон телевидениесидан чиқмоқда. Маънавият бўйича саъй-ҳаракатлар қилинаётгани Ўзбекистон телевидениесининг хусусий каналларига заррача таъсир кўрсатаётгани йўқ. Уларнинг бузғунчилиги, ижтимоий тармоқлардан ҳам хатарли. Чунки, телевизорни ҳамма томоша қилади.

Бинобарин, маънавият соҳасидаги фаолиятимизни Ўзбекистон телевидениесининг кўрсатувларини тартибга солишдан бошлаш лозим. Сабаби уларнинг қатор каналлари маънавиятимизга ичидан зарба берувчи – оммавий маданият тарғиботининг воситасига айланиб қолди.

Эътибор беринг, Ўзбекистон телевидениесининг қатор каналлари кўрсатувларида бугун нималар намоиш этилаяпти, дейсиз. Ҳали қарасангиз қайнота келинига, ҳали қарасангиз қайин ука келинойисига кўз олайтирмоқда. Ҳали қарасангиз эрдан чиққан аёл даволанишга муҳтож бошқа бир эркакка уйку дори бериб кимнингдир ҳовлисига олиб кетмоқда. Сериал муаллифлари бузуқликдан иборат фильмга уятни йиғиштириб қўйиб “Номус” деб ном қўйганлиги кишини нафратлантиради, холос.

Наҳотки, Ўзтелерадио компанияси раҳбариятини, Маданият вазирлигини бундай бузуқликларнинг тарғиб этилиши ташвишга солмаса? Солмайди, чунки улар учун телевидениенинг пул ишлаб топиш муаммоси биринчи ўринда туради.

Санъаткор эса тарбиячи бўлиши керак. Тўғри, инсоният, шу жумладан биз ҳам бозор муносабатларига асосланган жамиятдан воз кеча олмаймиз. Бундай иқтисодиётдан воз кечиш охир-оқибатда жамиятни инқирозга учратишини 1917-1991 йиллар оралиғидаги 74 йиллик тарихимиз исботлади. Бироқ, иқтисодиёти бозор муносабатларига асосланган жамиятни инсонпарварлик тамойилларига амал қиладиган жамиятга айлантириш шарт. Юксак иқтисодий тараққиётсиз инсонпарвар давлатни ҳам яратиш бўлмайди. Ахир инсон учун зарур бирламчи ҳаётий эҳтиёжлар (уй-жой, сув, газ, электр, йўл, мактаб, боғча, шифохона ва ҳ.к) ни қондириш иқтисодий тараққиётга боғлиқ эканлигини ҳаммамиз яхши тушунамиз. Юксак тараққиёт этган иқтисодиётсиз 2030 йилга борганида Ўзбекистон аҳолисининг турмуш даражаси дунёдаги ўртача даражадан юқорироқ бўлишига эриша олмаймиз.

Жойларда ҳокимлар “Маънавият ва маърифат кенгашлари” раислари саналади. Президентимиз “Маънавий-маърифий соҳадаги ишларини янги босқичга кўтаришда ҳокимларнинг масъулияти катта эканлигини ва уларнинг фаолиятига ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишларнинг сифати ва самарадорлигига қараб баҳо берилади”, деб алоҳида таъкидлаган эдилар.

Иш столининг устида кўплаб газета ва журналлари турмаган ҳокимлар ҳақида нима ҳам дейиш мумкин?

У.Жўраев,
Турон ФА академиги,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими фахрий унвони,
“Соғлом авлод учун” ва “Эл-юрт ҳурмати” орденлари нишондори,
тумандаги 8-мактаб ўқитувчиси.

Бугунги кунда инсоният рақамли инқилоб даврида яшамоқда. Ахборот технологиялари, интернет, сунъий интеллект ва ижтимоий тармоқлар ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди. Шу жараёнда энг фаол қатлам — бу ёшлардир. Уларнинг тафаккури, дунёқараши, ҳатто қадриятлари ҳам кўп ҳолларда “виртуал олам” таъсирида шаклланмоқда.

Аммо рақамли дунё имкониятлар билан бирга хавф-хатарларни ҳам олиб киради. Интернетдаги чексиз ахборот оқими ичида фойдали маълумотлар билан бирга ёшларнинг онгини заҳарловчи, миллий қадриятларга зид, ёт ғоялар ҳам тез тарқалмоқда. Шунинг учун маънавий иммунитетни шакллантириш — бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан биридир.

Ёшлар бугун турли манбалардан келаётган хабарларни фарқлай олиши, “ахборот саводхонлиги” кўникмасига эга бўлиши зарур. Ҳар бир ўқувчи интернетда ўқиган маълумот-

РАҚАМЛИ ДАВРДА МАЪНАВИЯТ



ни танқидий фикрлаш орқали баҳолаши, унинг манбасига, ишончилигига эътибор қаратиши керак. Бу эса уларнинг онгида мустаҳкам маънавий филтер — яъни нотўғри ахборотларга қарши иммунитетни шакллантиради. Шу нуқтада ўқитувчилар, ота-оналар ва жамиятнинг умумий масъулияти ошади. Таълим муассасалари, айниқса, касбий таълим тизими бу борада ёшлар

онгини тўғри йўналтирувчи марказга айланиши лозим.

Ижтимоий тармоқлар ёшлар учун ўзини ифода этиш, ижод қилиш, ўрганиш майдони бўлиши мумкин. Лекин у тўғри йўналтирилмаса, вақтни беҳуда сарфлаш, бошқалар таъсирига тушиш ёки нотўғри ахборотлар исканжасига тушиб қолиш хавфи ҳам юқори.

Шунинг учун таълим масканларида “Ахборот мадания-

ти” дарслари, онлайн таҳлил машғулоти, “Интернет — имконият ва хавф” мавзусидаги давра суҳбатлари ташкил

«Ўзбекистонда адабиёт ва санъат, маданият, оммавий ахборот воситалари, маънавият ва маърифат бизнесига айланмаслиги шарт ва биз бунга ҳеч қачон йўл қўймаймиз».

Ш.МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон
Республикаси
Президенти.

этилиши мақсадга мувофиқдир. Ўқувчиларни ижобий контент яратувчиси сифатида шакллантириш — маънавий иммунитетни мустаҳкамлашнинг энг самарали йўлидир.

Маънавий иммунитет — бу инсоннинг ёт ғоя, бузуқ ахборот, беҳаё контент ва зарарли одатлар таъсирига тушмаслик қобилиятидир. Уни шакл-

лантириш учун миллий қадриятларни ўрганиш, ўзликни англаш ва фахр ҳиссини қучайтириш, китобхонликни ривожлантириш, соғлом фикрли тенгдошлар муҳитини яратиш зарур. Шунда ёшлар рақамли оламда ҳам ўз миллий ғурури ва инсоний қадр-қимматини сақлаб қолади.

Рақамли давр ёшлар учун синов ва имконият давридир. Ахборот оқимида йўналиш бериш — фақат таълим тизимининг эмас, балки бутун жамиятнинг вазифасидир. Ҳар бир устоз, ота-она, зиёли шахс ёшларнинг ахборот майдонида йўқолиб кетмаслиги, балки ўз йўлини топа билиши учун кўмакчи бўлиши керак.

Маънавий баркамолликка асосланган, танқидий фикрловчи, ижтимоий тармоқларда масъулиятли ёшлар — бу Учинчи Ренессанс авлодининг асл тимсолидир.

Хикматулла АЛИМОВ,
туман политехникуми
директорининг ёшлар
билан ишлаш
бўйича ўринбосари.

МЕҲР ВА ИЛҲОМ КЕЧАСИ

Инсонни буюк қиладиган нарса сабр ва иродадир. Имконияти чекланган инсонларнинг ўзи йўқ, балки имкония-

Концерт дастурида 1-, 2-, 3-гуруҳ ногиронлари Абдуҳошим Нурматов, Азизжон Ойтўраев, Ҳайдарали Раимов, Саид

ушалмаган орзуларини куйлаган қўшиқларида, ижро этган сахна кўринишларида изҳор этади, дейди 1-гуруҳ ногирони У.Неъматов. -Меҳрга ташна қалблар ўзларидаги бор



тини топа олган қалб эгалари бор. Меҳр ва илҳомга тўла қалб эгаларини кашф этиш учун туманимиздаги Маданият маркази биносида 1-гуруҳ ногирони Умиджон Неъматов ва Исомиддин Бузруковлар ташаббуси остида “Меҳр ва илҳом кечаси” деб номланган хайрия концерт дастури намоён этилди.

Бузруков, Азизбек Усановлар томонидан қизиқарли сахна кўринишлари тўхфа этилди. Улар томонидан маҳорат билан куйланган “Ассалом”, “Ўзбекистон дейдилар” ҳамда “Умр ўтмоқдадир” қўшиқлари томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинди.

-Имконияти чекланган шахслар сахнада ўзларининг

қувончини, муҳаббатни куй-қўшиқлари орқали яқинларига бўлишади.

Концертдан тушган маблағ ногиронларнинг фарзандларини шартнома пулини тўлашга, ўзларининг дори-дармонларига сарф қилиш кўзда тутилган.

Дилфуза УСМОНОВА.

ОЛОВ - ТИЛСИЗ ЁВЛИГИДАН ХАБАРДОР БЎЛИНГ

ДХХ чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисмларнинг бирида ис газидан заҳарланиш, электр токи хавфи ва шу каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ҳарбий хизматчилар, ишчи хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига юқоридаги салбий оқибатларни батафсил тушунтириш мақсадида Яккасарой тумани ФВБ ёнғинга қарши кураш бўлинмаси ходимлари билан ҳамкорликда тадбир ташкил этилди. Унда “Ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва уларга қатъий риоя қилиш, улар келтириб чиқарадиган салбий оқибатлар”, “Электр токи уриши ва унинг оқибатлари” мавзуларида суҳбатлар ўтказилди.

Тадбир амалий кўргазмалар шаклида ўтказилиб, қатнашчилар ўзларининг қизиқтирган саволларга етарлича жавоблар олишди ҳамда ёнғин оқибатида келиб чиқувчи кўнгилсиз ҳолатлар хусусида керакли маълумотларга эга бўлишди.

Қ.КОЗОКОВ,
ДХХ чегара қўшинлари ҳарбий
хизматчиси, сержант.



ҲАРБИЙЛАР ДАМ ОЛИШ КУНИНИ СПОРТ БИЛАН УТКАЗМОҚДА



Бугунги кунда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва жисмоний тайёргарликни мустаҳкамлаш ҳар бир ҳарбий хизматчининг ҳаётида муҳим ўрин тутди. Шу мақсадда дам олиш кунлари ҳарбий қисмимизда турли спорт тадбирлари ташкил этилмоқда. Ҳарбий хизматчилар футбол, волейбол, югуриш, оғир атлетика ва стол тенниси, шахмат-шашка каби спорт турларида беллашиб, нафақат жисмоний чиникиш, балки жамоавий руҳ ва дўстликни ҳам мустаҳкамламоқдалар.

Тадбирлар давомида фаол иштирок этган жамоалар ва спортчилар раҳбарият томонидан эсдалик совғалар билан тақдирланмоқда. Бу эса хизматчиларнинг руҳий кўтаринкилигини янада ошираяпти. Шу билан бирга, спорт тадбирлари ҳарбий қисмдаги соғлом рақобат муҳитини яратиш, хизмат самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ҳарбийлар учун спорт — фақатгина дам олиш эмас, балки ўз устидан ишлаш ва Ватан ҳимоясига тайёргарликнинг муҳим қисмидир.

Отабек МАННОНОВ,
ДХХ чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси, сержант.

Эълон ва билдирувлар

“Қудрат Аъзам” фермер хўжалигига тегишли думалоқ муҳр ва бурчакли штамп йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

Чорасизлик Аллоҳ таолодан келган энг гўзал ишоратдир.

У дуо вақтининг келганини англатади.
Кўзингдан ёшлар сизилса, гўзал юзинг ғамгин бўлса, билгилки, Роббинг сени соғинибди, сени эшитишни хоҳлаяпти.

Ҳазрати Мавлоно РУМИЙ.

Сулаймон ота қамалиб қолди. Умида қамқоннинг кўчасидан ўтмаган одам, қариганида уч йилга кесилиб, ўғри, киссавурларнинг орасида юрибди. Албатта, ошна-оғайни, қариндош-уруғ уни ёлғизлатиб қўйгани йўқ. Икки марта колхоз раисининг ўзи келиб кетди. Кампири катагига киролмаган товукдек, ҳар кунни лагерь атрофида. «Передача»ларни айтмасизми? Бўхча-бўхча нон, тоғора-тоғора ош. Лекин қамқон—қамқон, татирмиди. Бечора чол ким келмасин, қайси тугунни ечмасин, ўпкаси тўлиб, кўзига милт-милт ёш келаверади. У йиғлаб чарчайди, атрофдагилар овутади...

Ҳамма бало Мирвосикнинг меҳрибончилигидан бошланди. Суяги меҳнатда қотган Сулаймон ота пенсияга чиқиб зерикиб қолди, баъзи-баъзида бели қирсиллаб қолишини назарга олмаганда, қўл-оёғи бақувват, кўзи ҳам жойида — кўзойнақсиз гуручни курмакдан ажрата оларди. Шундай экан, зерикмай бўладими? Томорқада у-буга қараган бўлади, кейин чойхонага чиқади. Колхоз унга ўхшаган қарияларни ўйлаб қишлоқнинг четидаги толзорга чойхона қуриб берган. Сталинградда бир оёғини қолдириб келган Ғулом ака чойхона мудири. Мудир деганининг ходими бўлади. Унинг ҳеч кими йўқ. Лекин мактабдан кейин неваралари галма-галдан қарашиб туришгани учунми, шифтга осилган самовар қарнагининг ёнидаги «Спиртли ичимликлар истеъмол қилиш ман этилади» деган плакат остига ўз қўли билан «Чойхона мудири Ғулом Қорабоев» деб ёзиб қўйган. Сулаймон ота илгари бу ёзувга парво қилмасди. Пенсияга чиққандан бери туриб-туриб зардаси қайнайди дегани бўлиб қолди. «Ё тавба, дунёнинг ишлари кўп қизиқ-да, — дейди, Ғулом аканинг самовар атрофида ёмирлашини кузатиб, — оғзидан гапи тушиб кетадиган одам чойхона мудири. Оёғи бутун бўлса ҳам майли эди». Шундай ўйлайди-ю, зарда билан қичқиради:

— Ҳой, чўлоқ! Илгари чойдан урардинг, энди нима бало, шамадан ҳам уряпсанми?

Унинг зардасини Ғулом ака тушунади. Шунинг учун, жўрттага ярасига туз сепади:

— Қари одамга аччиқ чой зиён, ошна. Юрагинг ҳам пенсага чиқай деб турибди. Товонингга қолайми?

— Ҳа, чўлоқ, ўлгудай тилинг заҳар-а! Ғулом ака кулади ва ёғоч оёғини дўқиллатиб, ўртоғига янги чой олиб келади.

Чойхонада кўпинча иккаловидан бошқа ҳеч ким бўлмайди. Ким ҳам бўлсин? Ҳамма ишда. Қариялар ҳам. Борлари ҳам уйдан чиқолмайди. Кўрпа-ёстиқ қилиб олишган. Фақат Холпаранг билан Ҳақимбек ака келиб туришади. Улар келган кунни Сулаймон отанинг дили ёришади. «Ҳар ҳолда ёлғизмасман-ку!» ўйлайди у. Уч сўм-уч сўмдан йиғиб Ғулом чўлоқнинг неварасини дўконга юборишади. Холпаранг ота ошга уста. Иликдек қилиб юборади. Ош пишгунча гап, гап, гап. Улар эсламаган воқеа, улар эсламаган одам қолмайди. Жуда бўлмаса, Акбарқорининг ашуласини хиргойи қилишади:

Боғ аро қўйсам қадам,
Гул гунча қилмай хандадур...

Намозгарда ошни ейишади. Кейин битта-битта юриб, ҳар муюлишда тўхтаб уйга қайтишади. Сулаймон ота ярим кечагача мижжа қокмайди. Чарчамаган одамга уйку келармиди? Уч-тўрт бор ҳовлига тушиб, олис-олисларда итларнинг ҳуришига, чигирткаларнинг одамни элитадиган чириллашига қулоқ солади, яна уйга кўтарилиб, ўрнига чўзилади. Пенсияга чиқибдики, ҳар кунни шу аҳвол. Томорқа, чойхона, уй...

Бир кунни тўрт оғайни одатдагидек чойхонада ўтиришган эди, омбор мудири Мирвосик келиб қолди.

— Отахонлар, бир илтимос бор эди, — деди у уялинқираб, — чеча Маруся ётиб қолди. Балнийсага ташлаб келдим! Шу... ўрнига вақтинча биттангиз туриб турмайсизми?

— Мен тураман-да! — деди шошиб Холпаранг ота.

— Бекор айтибсан! — деди чимирилиб Ҳақимбек ака. — Олдиндаги чойни зўрға кўрасану, қоровуллик қила олармидинг? Мен тураман!

— Ия! Ҳе! — тутатиб кетди Холпаранг ота. — Ҳали кўр бўлиб қолдикми? Заҳарингизга биз қилган ошни ейсиз-ку?! Сулаймон! Чўлоқ! Эшиттиларинга. Мен кўришман. Ўзинг кўр!

— Мен кўр? — баттар чимирилди Ҳақимбек ака.

— Ҳа, кўрсан! Сарсонбойнинг жанозасида ўқариқча шалопплаб тушиб кетганингни ўзим кўрганман!

— Бўлди, бўлди! — уларни тўхтатди Сулаймон ота. — Иккаловинг ҳам турмайсанлар!

Ҳақимбек ака ҳам, Холпаранг ота ҳам гаплари оғзида қолиб, ўртоқларига қарашди.

— Иккаловинг ҳам турмайсан, — қайтарди Сулаймон ота. — Пенсияга ким олдин чиққан бўлса, шу туради. Мен олдин чиққанман, мен тураман.

У, гап тамом, дегандек ўрнидан турди. — Юринг, ўғлим!

Ҳеч нарсга тушунмай анграйиб турган Мирвосик беихтиёр унинг кетидан йўлга тушди. Холпаранг ота билан Ҳақимбек ака бўз-райганларича уларга тикилиб қолишди.

Сулаймон ота ўша кунёқ ишга тушди. Кампир уйдан эски намат, қумғон, қанд-курс олиб келди. Кета туриб:

— Мени шарманда қилдингиз, — деди. — Қариганда қоровул бўлмай кетинг. Ҳамма чоллар бинойидек уйида кечаси.

— Жаврама! — жержиб берди Сулаймон ота, кейин ўзича ҳазил қилди: — Нима, ё ёлғиз ётгани кўрқасанми?

— Вой, суюлмай кетинг сиз! Тўкилиб кетай

Улмас УМАРБЕКОВ

Маруся Қорабонбўт Милтиқ

Ҳикоя

деб турибсиз-ку, бошимга ураманим?

— Бўлди, бўлди, жўна! — деди Сулаймон ота гап тополмай.

Кечаси Холпаранг билан Ҳақимбек ака келишди. Катта пахталик тўнни елкасига ташлаб, милтиқ кўтариб олган ўртоғига Холпаранг отанинг роса ҳаваси келди.

— Аммо лекин бизни ёмон туширдинг, — деди у алам билан.

— Кўппа-кундузи шилдинг, — қўшилди Ҳақимбек ака. Сулаймон ота ичида уларга ачинса ҳам, сир бой бермади.

— Ҳа, энди югурганники эмас, буюрганники.

— Омадинг бор экан, — деди Ҳақимбек ака. — Эртага чиқасанми?

— Қаёққа? — тушунмагандек сўради Сулаймон ота.

— Қаёққа бўларди, чойхонага-да. Нева-рам Абдусаттор Андижондан девзира олиб келибди.

— Энди билмадим, бек, — деди Сулаймон ота салмоқланиб, — хизматчилик. Бўш вақт топсам, бораман. Бўлмаса, узр.

Омбор ҳовлисида нимадир лип этди.

— Ҳой! Ким бор?

Сулаймон ота шундай деб қоронғилик ичида ғойиб бўлди.

— Ҳа... — деди ўйланиб Холпаранг ота. — Ростакан қоровулнинг ўзи.

— Нимасини айтасан.

Икки ўртоқ ҳафсаласизлик билан ўринларидан турди.

Сулаймон ота эртасига чойхонага чиқмади. Индинига ҳам. Қандай чиқади? Кундузи уйда, ҳали у, ҳали бу. Кечқурун омборга йўл олади. Зерикш қаёқда? Шундай, ўзидан, ишидан кўнгли тўлиб туппа-тузук юриб турувди, қўлида милтиқ, елкасида қоровулларнинг узун пахталик чопони, бирдан фалокат — ланати қайси ковакда яшириниб ётган экан — маҳкам ёпишди-қолди.

Ўша кунни у жуда хурсанд эди: Маруся хола касалхонадан чиқиб, шаҳарга, ўғлиникига кетибди. Баҳоргача қайтмас экан. Чол шу хабарни эшитди-ю, ғайратга ғайрат қўшилиб, боққа ўтди. Пиёз ўтади, гармдорининг тагини чопди. Кейин памилдорини таёқчаларга боғлай бошлади. Тушлик пайти невараси югуриб келиб қолди:

— Катта дада! Сизни Холпаранг амаким қақирвоттилар! Фермага борармишсиз!

— Нега? — ҳайрон бўлди Сулаймон ота. — Бекорчи одам фермада нима қиларкан?

— Билмадим. Дарров келсин, дедилар.

У фермага борганда, Холпаранг ота пойга учун боқилиб қўйилган отларнинг оғили ёнида эски қути устида чордона қуриб ўтирарди.

— Ҳа, узилиб қолдингми? — сўради Сулаймон ота унинг оғзи қулоғига етган башарасига тикилиб.

— Кўрмаяпсанми? Ҳайдаралининг ўзи таяинлади, — Ҳайдарали колхоз раиси эди. Сулаймон ота кулди.

— Ҳа, энди сув йўғида таяммум, — Сулаймон ота шундай деди-ю, ичида ўртоғига ҳаваси келди. Ҳар ҳолда бу иш, кечаси билан қаққайиб ўтириш эмас. Шундай бўлса ҳам, сир бой бермай, кулиб қўйди: — Қашлағич ҳам бердимми?

Холпаранг ота фикрини, лекин жанжаллашгиси келмади.

— Ҳаммасини берди, ошна. Супурги ҳам бор. Белқурак ҳам. Томорқанга энди гўнг керак бўлса ҳар битта аравакашга ялиниб юрмайсан. Бир аравами, икки аравами, ўзим олиб бориб бераман. Яхшисидан, тилласидан. Холпаранг ота шундай деди-ю, охири чи-

долмади, узиб олди:

— Хафа бўлма, ошна, бу сенга Марусянинг қоровулхонаси эмас, расмана эркакларнинг иши.

— Шундоқ дегин?

— Кўриб турибсан, ошна, кўрмассан-ку!..

— Ҳа, ишинг яхши, — маъқуллади Сулаймон ота. — Фақат эҳтиёт бўл.

— Нима демоқчисан?

— Боқувда турган отлар, билиб бўлмайди, қайси алвасти экан бу деб, иккинчи кўзингни ҳам ишдан чиқаришмасин.

Холпаранг отанинг чап кўзига ўтган йили оқ тушган эди. Шунинг учун ўртоғининг бу гапидан ижирғанди-ю, ўзини эшитмаганга солди.

— Сани қақирганим, ҳозир келиним ош олиб келади. Девзирадан. Биз энди ишлик одам, вақт йўқ чойхонада юришга. Юр, сейлон чой дамлаганман.

Улмас УМАРБЕКОВ

Маруся Қорабонбўт Милтиқ

Сулаймон ота ўртоғининг олдидан қоронғи тушганда қайтди. Уйда овқат емади. Милтиғини елкасига осиб, омборхонага жўнади. Соат ўнларда Мирвосик омбор дарвозасини қўлфлаб уйга кетди. Сулаймон ота омбор ҳовлисини бир айланиб чиқиб, қумғон тагига тараша қалади, кейин чой дамлаб ичди. Кўп ўтмай бутун қишлоқни жимжитлик қоплади. Шу жимжитлик элитдими, ё чой аччиқлик қилдими, кўзларини ўйку босди. Сулаймон ота ниманидир «дўп» этганини эшитди. Кўзини очиб атрофига қаради. Ҳеч ким йўқ. «Мушук бўлса керак», ўйлади чол ва яна кўзини юмди. Орадан кўп вақт ўтгани йўқ, кимдир бўғилиб йўталди. Сулаймон ота шошиб ўрнидан турди-да, қулоқ солди. «Бўла қол!» деди кимдир. Овоз омборнинг орқасидан эшитилди. Сулаймон ота: «Ҳой!» деганича ўша томонга югурди. Бориб, қай кўз билан кўрсинки, икки-та барзанги йиғит омборнинг бўғотини бузиб, бурчақдаги машинанинг резинка филдирагини битта-битта девордан оширяпти.

Сулаймон ота «Тўхта!» деганини билади, биттаси кўзи аралаш мушт туширди. Чол гандирақлаб йиқилди. Ётган жойида беихтиёр милтиқни елкасидан олиб, қичқирди:

— Отаман! Тўхта!

Ўғриларнинг биттаси девордан сакради, иккинчиси ҳам сакрай деганда Сулаймон ота кўзини очди ва ўша томонга милтиғини тўғрилади. «Варанг!» этган товуш янгради. Ўғри қорнини ушлаганича девор тагига энгашди.

Омбор ҳовлиси бирпасда қий-чув бўлиб кетди. Қаёқдандир Мирвосик пайдо бўлиб қолди.

— Яшанг, ота! — деди у. — Анчадан бери қўлга туширолмай юрувдик.

— Ўқ тегди шекилли? — сўради Сулаймон ота ҳамон боши лўқиллаб.

— Баттар бўлсин!

Ярим соат ўтар-ўтмас райондан «тез ёрдам» машинаси келиб, ўғрини олиб кетди. Шаҳодат хола эса уйқусираган неварасини тўсиб, ҳўл пахтани эрининг кўкариб кетган кўзига босди. Эртасига бутун қишлоқ Сулаймон отанинг уйига ёпирилди. Ҳамма уни мактади. Ўртоқлари — Холпаранг ота билан Ҳақимбек ака ҳам чин юракдан табриклашди.

— Чумчукдек юрагинг бўлса керак, деб юрардим, маладес! — деди Ҳақимбек ака.

— Ўғри от эмас, дўстим, — деди Холпаранг ота фермадаги гапга шама қилиб, — дуч келган жойингга тепмайди, пойлайди. Кўзни эҳтиёт қил. Ичимизда бутунимиз сенсан!

Сулаймон ота тишини-тишига қўйди-ю, индамади. Раис келди. Барча колхозчиларнинг номидан тўн кийгизди.

— Сиз ҳазилакам ўғриларни тутганингиз йўқ, — деди. — Улар — колхозга икки минг сўмдан ортиқ зиён келтиришган, уч марта омборни шипиришган эди. Раҳмат.

Сулаймон ота кўзи боғлиқ бўлса ҳам, кечгача янги куёвдек юрди, кампир, ўртоқлари ҳам уни ўтказгани жой топишолмади. Кечқурун эса невараси, ўғри касалхонада ўлиб қолди, деган хабар топиб келди. Ҳеч ким, айниқса, Сулаймон ота, буни кутмаган эди. Тун бўйи мижжа қокмади. Кампирининг:

— Бўлди энди, қўйганингиз билан тирилиб келармиди? Ўз бошини ўзи еди, — деганига ҳам қулоқ солмади.

Икки кундан кейин суд бўлди. Сулаймон ота аввал беш йилга, кейин, кексалиги назарга олиниб, уч йилга кесилди. Бундай бўлишни билганда Сулаймон ота, ўғрилар омборни ўпириб кетишса ҳам, лом-мим демасди. Лекин начора? Фалокат оёқ остида туради, деб шуни айтадилар-да.

— Ота, бир оз сабр қилинг, — деди Ҳайдарали ҳукмдан кейин. — Мен буни бу аҳволда қўймайман. Милтиқ бериб қўйгандан кейин бир кунмас-бир кун у отилади-да. — Сулаймон ота қарахт эди, эшитмади. Эшитса ҳам нима дерди? Сабрдан бошқа иложи бормиди. У суддаги ҳамма гапга тушунди, фақат биттасига тушунмади. Суд раиси: «Тўрт хил қоровул бор. Шунинг учтаси отиш ҳуқуқига эга. Тўртинчиси эга эмас. У фақат милтиқ билан қўрқитиши мумкин. Сулаймон ота шу тоифага киради», — деди. У шу гапга тушунмади. Бу гапни қамқохона ўз уйидек бўлиб қолган Саша, Тўлаган олифта каби азаматлар ҳам тушунтириб беришолмади. Бўлмаса улар жиноят кодексини сув қилиб юборишган. Тушунтиришмаса ҳам чолнинг кўнглини олишди:

— Ўзингизни эзманг, ота, — деди Тўлаган олифта. — Бағ-бўғлашиб юрасиз биз билан. Иннайкейин, унинг ўзида айб. Соғ қолганда, балки бўйнига оларди. Секин келиб қўлингиздан милтиқни олиб қўймайдими, иши битгандан кейин девордан улоқтирмайдими? Уста кўрмаган экан-да.

— Қайдам, болам, — деди ўпкаси тўлиб Сулаймон ота.

— Қайдам эмас, ота, рост, — деди чирт этиб туплаб Саша. — Уста кўрмаган. Бизнинг қўлга тушганда, бир йилда одам қилардик! Сиз ҳам тинч эдингиз ўшанда, у ҳам айшини сўриб юрарди. Ўзидан кўрсин. Сиз эзилманг, ота. Ҳукмни бекор қилишади. Мени айтди дерсиз. Фақат нобоп судга тушиб қолибсиз-да. Бир оз чидайсиз энди.

Сулаймон ота чидади. Аммо эрталаб ҳам, кечқурун ҳам беихтиёр кўзига ёш келаверади. Шу аҳволда уч ой ўтди. Бутун қишлоқ келиб-кетди деса бўлади шу вақт ичида. Холпаранг ота билан Ҳақимбек ака ҳам аввал тез-тез келиб туришди. Учинчи ойга ўтганда бирдан келмай қолишди. Сулаймон ота хафа бўлди, кейин касал-пасал бўлиб қолишдими, деб хавотир олди.

— Улар тинчми? — сўради бир кун кампир келганда.

— Отдек юришибди, — деди кампир зарда билан. — Иш топишибдими, кунда шаҳарга қатнашади. Энди, шуларни ҳам ўйлайсизми?

— Сўрадим-қўйдим-да, — деди Сулаймон ота ранжиб.

— Ҳайдарали салом деб юборди. Яна ариза билан юқорига чиқармиш. Мирвосик ҳам суд қайнисига учраб келибди.

— Гапирма ўшани! — жержиб берди Сулаймон ота. — Ҳамма ишни ўша қилди, ҳажикқиз!

Учинчи ой ҳам тугади. Ҳеч қандай янгилик бўлмади. Сулаймон ота ҳаммадан эрта туриб чой қайнатади. Лагернинг қабулхонасини сўпуради. Одамлар ишга кетгач, яна бакка сув солиб олов қўяди. Бир кунни тушликка чой қўйиб, энди нима қилсам экан, деб турган эди, лагерь бошлиғи қақириб қолди:

— Ота, сизга қоғоз келди, — деди у, — энди озодсиз. Сулаймон ота анграйиб қолди.

— Рост, ота. Озодсиз.

— Кет... кетаурайми?.. — сўради тутилиб Сулаймон ота.

— Марҳамат.

Сулаймон ота баракка югурди. Лекин ҳеч нарсасини олмади. Фақат чопонини елкага ташлади.

Кўчага чиққанида, толнинг соясида икки киши турарди. Сулаймон ота таниди. Булар — Ҳақимбек ака билан Холпаранг ота эди. Юраги қинидан чиқиб кетай деди.

— Ҳақим?! Холпаранг?! — деди кўзи ёшга тўлиб.

— Нима, ўлди девдингми? — деди Холпаранг ота.

Уч оғайни қучоқлашиб кўришишди.

— Нега келмай кетдиларинг? — чимирилиб сўради Сулаймон ота.

Ҳақимбек ота катта идораларда юришганини оғзи тўлиб айтмоқчи эди, Холпаранг ота туртиб қўйди:

— Ҳа, энди, қарилик-да, ошна, — деди вазминлик билан. — Шунга ҳам хафа бўласанми? Айтгандай, суюнчи бер!..

— Ҳўш? — сўради Сулаймон ота.

— Маруся бутунлай келмасмиш. Ўғли олиб қолибди. — Учалоги кулиб юборишди, кейин чопонларини елкага ташлаб йўлга тушишди. Катта кўчага чиқишганда, Ҳақимбек ота Акбарқорининг ашуласини бошлаб юборди:

Боғ аро қўйсам қадам,
Сулаймон ота илиб кетди:
Гул гунча қилмай хандадур...

— Бизнинг бобой-ку! — деди девор орқасида фишт ташиётган Саша.

— Худди ўзи!

Тўлаган олифта ҳавас ва қандайдир юракни чимчилловчи алам билан ашула олислағунча қулоқ солиб турди.

МАЗАЛИ, ШИРИН ТАОМ, ПИЦЦА ЁҚИМЛИ ҲАРОН



Ер юзидаги энг машхур, сеvimли таомлардан бири – пиццанинг тарихи, тайёрланиши ва истеъмоли ҳақида қизиқарли маълумотлар бор.

Маълумотларга кўра, мазкур таомнинг келиб чиқиши қадимги Греция, Миср ва Римга тақалади. Антик Римда "panis focacius" номи билан танилган, ноннинг устига турли хил масаллиқ қўшиб тайёрланган егулик бўлган. Замонавий пицца эса XX аср ўрталарига келиб Неаполда пайдо бўлган.

1889 йил Қирол Умберто I ва Малика Маргарита ди Савоя шу шаҳарда жойлашган "Пиззерия Бранди" емакхонасига ташриф буюради. Ошпаз Раффаэле Эспозито уларга махсус пицца тайёрлаб беради. Таом помидор, моззарелла пишлоғи ва базилика билан безатилган эди. Кейинчалик айнан шу таом Италия қироличаси шарафига "Маргарита" номи билан бутун дунёга тарқалади.

Ушбу таом асосчиси сифатида танилган Раффаэле пицца тайёрлаш санъатини ривожлантириб, халқ орасида машхур қилган. Дарвоқе, айнан "Маргарита" бугунги кунда ҳам жаҳондаги энг оммавий мумтоз пицца турларидан биридир.

Бугунги кунда ушбу егуликни бутун дунё бўйлаб севиб истеъмол қилишади. Масалан, Америка Қўшма Штатларида Чикагоча "чүкур" ва Нью-Йорк услубидаги "ингичка қиррали" пицца мавжуд. Океан орти юртида ҳар йили 3 миллиарддан кўп пицца паққос туширилади. Бу ўртача ҳисоблаганда ҳар бир америкалик йилига тахминан 46 та пицца ейди, дегани.

Табиийки, пицца Европада жуда кенг тарқалган. Италия ушбу таом ватани сифатида пицца тайёрлашнинг барча анъанавий услубларини сақлаб қолган. 2012 йил айнан Апеннин ярим оролида пиширилган энг улкан пицца – "Оттавиа"нинг ҳажми 1261 квадрат метр эди. Германия, Франция ва Испанияда ҳам мазкур энгил таомнинг ўзига хос турлари учрайди.

Осиё мамлакатлари таомномаларидан ҳам пицца муносиб ўрин эгаллаган. Хитойда маҳаллий масаллиқлар қўшилган турлари, Японияда эса ноёб "суши пицца" машхурдир.

Доим рост гапиринг, шунда кўп нарсани эслаб юришингизга ҳолат қолмайди.

* * *

Ҳаётда математика ечолмайдиган нарсалар бор. Масалан, ҳалол бир сўм ҳаром беш сўмдан кўп бўлади.

* * *

Кечириш бу – аввалгидек қадрдон бўлиш эмас, шунчаки интиқомдан воз кечиш дегани гоҳида.

Донолар бисотидан.



Саҳифани Д.Олимова тайёрлади.

ЎЗБЕК НОНИ ДУНЁ МИҚЁСИДАГИ ЭНГ МАЗАЛИ НОНЛАРДАН БИРИ ДЕБ ТОПИЛДИ

Машхур CNN Travel портали томонидан дунёдаги энг мазали ва ўзгача нонлар рўйхати эълон қилинди. Ушбу рўйхатда Ўзбекистон миллий таоми — ўзбек нонлари ҳам муносиб ўрин эгаллади.

Ўзбек нони нафақат мазаси, балки кўриниши билан ҳам ажралиб туради — у гуллар, нақшлар ва махсус штамплар билан безатилади. Анъанавий тарзда тандирларда тайёрланадиган бу нонлар ҳар бир ҳудудда турлича шакл ва таъмга эга бўлиб, масалан, Тошкент, Самарқанд ёки Бухоро, Қўқон нонларининг ўзига хослиги мавжуд.

Қадимда нон тайёр бўлганидан сўнг, улар махсус чопарлар ёрдамида бозорлар ва ошхоналарга етказилади.



Бу анъана ҳозиргача сақланиб қолган.

Озиқ-овқат турлари бўйича танловлар ва рўйхатлар билан таниш бўлган CNN Travel ўзбек нонини дунёдаги энг яхши нонлардан бири, деб баҳолади. Бу ўз навбатида мамлакатимиз гастрономик меросининг яна бир халқаро эътирофидир.


ШИФОБАХШ ХУШТАЪМ НОРИН

Норин қадимдан Марказий Осиё халқлари томонидан тайёрланган. Асосан чорвачилик билан шуғулланган ўзбек ва қозоқ халқлари қишда



гўштни турли усуллар билан сақлашни ўрганиб, норинни ихтиро қилишган. Бу таомнинг пайдо бўлишига кўра, совуқ иқлим шароитларида узок вақт сақланиши ва озиқ-овқатнинг тўйимлилиги муҳим бўлган. Норин асосан қимматбаҳо ва бой озиқ-овқат маҳсулоти ҳисобланган, шунинг учун ҳам у ҳар доим ҳам кундалик таом

эмас, балки байрамона таом сифатида тақдим этилган. Норин бир нечта хил усулда тайёрланиши мумкин. Масалан, «совуқ норин» ва «иссиқ норин» бор. Совуқ норин кўпинча ёз ойларида тайёрланади, унда ингредиентлар олдиндан совутилиб, қаттиқ қийма шаклида тақдим этилади. Иссиқ норин эса қишда тайёрланади. Унда барча компонентлар қиздирилган ҳолда аралаштирилади. Иссиқ норин тўйимли бўлиб, совуқ кунларда тана учун зарур бўлган энергияни таъминлайди. Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида норин фақат оилавий тўй ва маросимларда тайёрланади. Айниқса, Фарғона водийсида бу таом байрам ва тантаналарнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Норин меҳмонларни кутиб олиш ва уларни ҳурмат билан қарши олишда фойдаланиладиган таом сифатида қадрланади. Ўзбеклар учун норинни тайёрлаш ва уни дастурхонга қўйиш – бу фақатгина овқатланиш эмас, балки ҳурмат ва меҳмондўстликнинг рамзидир.



«ХАЛҚ ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИГА ОБУНА БЎЛИНГ

Туман ҳокимлиги муассислигидаги "Халқ овози" ижтимоий-сиёсий газетасига 2026 йил учун обунани расмийлаштириш давом этмоқда.

Обуна фақатгина тахририятнинг ўзида амалга оширилади. Тахририятнинг ўзидан эслатиб ўтамиз.

Обуна бўлиш учун ўзингиз

Обуна баҳоси ҚҚС билан - 300 000 сўм

га энг қулай бўлган усуллари танлаб олинг.

Обуна

-нақд пулга,

-пул ўтказиш,

-пластик карточкалар орқали амалга оширилади. Тахририятда Uzcard, Нумо терминаллари мавжуд.

ОБУНА ИНДЕКСИ - 292

«Халқ овози» ИЖТИМОЙ- СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ



Муассис
Бўка тумани
ҳокимлиги

Мухаррир
Гулжаҳон
ЁМЎРОВА

Тошкент вилояти
Матбуот ва
ахборот бошқармасида
2011 йил
23 августда 03-021
рақам билан
рўйхатга олинган.
Нашр кўрсаткичи: 292

Тахририят манзили:
Бўка шаҳри,
А. Қодирий
кўчаси, 5-уй
Тел: 94-610-66-08

Баҳоси
келишилган нархда

Газета "Niso nashriyot
va matbaa uyi" МЧЖ
босмахонасида
чоп этилди.

Манзил: Ўртачирчиқ
тумани "Машъал"
маҳалласи 1-уй
Офсет усулида
босилди,
коғоз бичими А-3
Босишга
топшириш
вақти: 16:00
топшилди: 15:00
Нусхаси 2700

БУЙОРТМА №

© белгили
материал -
тижорат
материаллари

Тахририятга
юборилган
қўлёзмалар
тахлил
қилинмайди ва
муаллифга
кайтарилмайди.
Муаллиф фикри
тахририят нуқтаи
назарида
фарқланиши
мумкин

Нашр учун масъул
Д.УСМОНОВА

Саҳифаловчи-дизайнер
Д.ОЛИМОВА

Газета ҳафтанинг
жума куни чиқади.

Тахририятнинг
электрон манзили:
E-mail:
bukahalqovozi@umail.uz

ISSN 2181-662X
Ҳажми 1,5 босма табок